

Мавзу: Qishloq xo'jaligining moddiy-texnika resurslari

РЕЖА:

- 1.** Моддий – техника ресурслари хакида тушунча ва уларнинг туркумлаштирилиши.
- 2.** Кишлок хўжалиги моддий – техника ресурсларининг хусусиятлари.
- 3.** Моддий – техника ресурсларининг самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари
- 4.** Асосий ва айланма воситалар, улардан самарали фойдаланиш.
- 7.** Кишлок ва сув хўжалигини инновацион ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари.

«Ресурс» атамаси (лугавий маъноси французчадан олинган бўлиб, «resource» - манба) ишлаб чикариш жараёнида ёрдамчи восита деган маънони англатади. Кенг маънода ресурслар деганда, жами моддий ва табиий бойликлар хамда ишлаб чикариш ва истеъмол жараёнида иштирок этадиган кишиларни тушуниш мумкин.

Кишлок хўжалиги моддий – техника ресурсларининг иктисадий мазмуни, мохияти ва барпо этилиши хамда фойдаланиши бўйича куйидаги тартибда туркумлаштириш мумкин (чизма – 1):

- барпо этилиши бўйича;**
- ишлаб чикаришга муносабати бўйича;**
- ишлаб чикаришда катнашишига кўра;**
- такрор ишлаб чикариш усули бўйича**

Моддий – техника ресурсларининг туркумлаштирилиши

Барпо этилиши буйича

Табиий (ер, сув, урмон,
куёш энергияси, шамол)

Иктисадий

Моддий

Мехнат

Молиявий

Такрор ишлаб чикириш усули буйича

Такрор ишлаб
чикирадиган

Такрор ишлаб
чикирмайдиган

Ишлаб чикиришга муносабати буйича

Фойдаланиладиган

Фойдаланиш мумкин

Ишлаб чикиришда катнашишига кура

Ишлаб чикириш

Ер

Моддий

Мехнат

Ноишлаб чикириш

Кишлок хўжалигининг моддий – техника ресурслари ўзига хос бир канча хусусиятларга эга:

Чизма – 2

Кишлок хўжалигининг моддий – техника ресурслари хусусиятлари

Ер – моддий–техника ресурсларининг асосий кисми хисобланади.

Моддий – техника ресурслари табиий шароит таъсирида ўзгаради.

Моддий – техника ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги тармок ишлаб чиқаришининг мавсумийлигига боғлик

Моддий – техника ресурсларининг ўлчами ва таркиби мамлакат худудлари бўйича ўзгаради

Кишлок хўжалиги моддий – техника ресурслари таркибига чорва хайвонлари, ўсимликлар, мевали дарахтлар хам киради

Саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган моддий – техника воситалари

Моддий – техника воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги АСМ нинг барча бўгинлари (саклаш, кайта ишлаш, сотиш) фаолиятлари билан бевосита боғлик.

Фермер хўжалигини моддий – техника ресурслари билан талаб даражасида таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Бу сарфланадиган меҳнат хамда маблаг ҳаражатлари камайиши, меҳнат унумдорлиги юксалиб, фойда суммаси кўпайиши учун имконият яратади. Фермер хўжалигини моддий – техника воситалари билан таъминлаш ва ундан фойдаланиш жараёнини билишни талаб этади.

**Моддий – техника ресурсларидан фойдаланишнинг асосий самарадорлик
кўрсаткичлари:**

1. Моддий – техника ресурслари билан таъминланганлик даражаси;
2. Энергетик ресурслар билан таъминланганлик;
3. Меҳнатнинг энергетик ресурслар билан куролланганлик даражаси.
4. Ишлаб чикириш жараёнларининг механизациялаш даражаси;
5. Янги техника ва технологиялардан фойдаланиш даражаси
6. Машина – трактор хамда автомашина паркидан фойдаланиш коэффициенти ва х.к.

6. Асосий ва айланма воситалар, улардан самарали фойдаланиш.

Ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун иш кучи билан биргаликда табиий (моддий) ва қиймат шаклларидағи ишлаб чиқариш воситалари ҳам керак бўлади. Ишлаб чиқариш воситалари қийматининг қўйидаги ифодасини ишлаб чиқариш фондлари ташкил этади.

Ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқариш фондлари иқтисодий маънода ўзаро фарқланади.

Ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш жараёниниң моддий ашёвий моддалари,

ишлаб чиқариш фондлари эса ишлаб чиқариш воситаларининг ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати ҳосил бўлишидаги улар иштирокининг иқтисодий шаклидир.

Асосий ва айланма фондларининг иқтисодий фарқлари қўйидагилардан иборат:

Белгилар	Асосий фондлар	Айланма фондлар
Хизмат қилиш муддати	Кўп ишлаб чиқариш цикларида қатнашади	Битта ишлаб чиқариш цикларида ишлатилади.
Кийматининг тайёр маҳсулотига утиши	Эскирган сари ўз кийматини тайёр маҳсулотга ўтказади.	Ўз қийматини тайёр маҳсулотга тўла ва дархол ўтказади.
Ишлаб чиқариш жараёнида табиий шакли сакланиб қолиши.	Ишлаб чиқариш жараёнида ўз табиий шаклини сақлаб қолади.	Ишлаб чиқариш жараёнида ўз табиий шаклини йўқотади, уни ўзгартиради.

Асосий фондлар тарки- би

-бино ва иншоотлар,
-машиналар,
-ускуналар,
-бинолар,
-транспорт воситалари,
-узатиш қурилмалари,
-инструментлар,
-ишлиб чыкаиш инвентари
-ва бошқа асосий воситалар
киради.

Асосий фондлар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларига бўлинади.

Ишлаб чиқариши асосий фондлари ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашади.

Ноишлаб чиқариши асосий фондлари ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайди, лекин ходимларнинг майший ва маданий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилади.

Уларга уй-жойлар, мактаблар, болалар боғчалари, даволаш муассасалари, клублар ва бошқа маданий–майший бинолар ҳамда иншоотлар киради.

6.1. Асосий фондлар эскириши ва доиравий айланиши

Асосий фондлар ишлаб чиқаришда қатнашиб, табиий кучлар таъсирида ўз хусусиятлари ва жисмоний сифатларини, аста-секин йўқотиб боради, яъни жисмоний эскиришга учрайди. *Жисмоний эскириши* – бу асосий фондларнинг ўз техник-ишлаб чиқариш хусусиятлари ва истеъмол қийматини йўқотишидир.

Моддий эскириши истеъмол қилиш ва истеъмол қилмаслик натижасида ҳам содир бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда меҳнат воситалари ишлаб чиқариш жараёнида механик эскиришга учрайди. Иккинчи хил эскириш табиий шароитлар таъсирида содир бўлади. Шунинг учун жисмоний эскиришга ишлаб чиқаришда фойдаланилиши ёки фойдаланмаслигидан қатъий назар барча асосий фондлар учрайди.

Асосий фондлар жисмоний эскиришдан ташқари маънавий эскиришга ҳам учрайдики, бу нарса асосий фондларнинг қадрсизланишида ёки тўла-тўкис жисмоний эскиришгача ишлаб чиқариш жараёнидан чиқиб қолишида ифодаланади.

Фондлар маънавий эскиришининг асосий сабаби, янги меҳнат воситаларининг анча юқори унумдорлиги ва улар ишларининг паст таннархидир.

Маънавий эскириш қиймат кўринишда қўйидаги икки шаклда намоён бўлади:

1. Асосий фондларнинг уларни ишлаб чиқариш арzonлашиши туфайли қадрсизланиши.
2. Асосий фондларнинг янги, анча юқори унумли техника яратилиши туфайли қадрсизланиши.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланиши



6.2. Асосий фондлардан самарагали фойдаланиш күрсаткичлари

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг умумлашган күрсаткичи фонд самарадорлигидир.

Фонд самарадорлиги күрсаткичи асосий фондлар бирлигига пул ифодасида ишлаб чиқарилган фойда миқдори билан аниқланади.

Хозирги шароитда бу күрсаткич режалаштириш ва асосий фондлар самарадорлиги ҳисоби амалиётига нисбатан кенг қўлланилади.

Суғориш ва захини қочириш тизимлари учун улар унумдорлигининг күрсаткичи мелиорация ва қишлоқ хўжалик фондлари бирлигига тўғри келадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қийматидир.

$$1) \Phi_{\text{от}} = A_{\text{вп}} / \Phi_{\text{ос}} ; \quad 2) \Phi_c = \Pi / \Phi_{\text{ос}},$$

бунда: **Фот**-фонд унумдорлиги, сўм. **Авп**-ялпи маҳсулот қиймати, сўм. **Фос**-асосий фондлар қиймати, сўм. **Фс**-фонд самарадорлиги, сўм. **П**-фондлардан фойдаланиш натижасида олинган фойда.

Фонд самараси кўрсаткичи жами ишлаб чиқариш фондларининг ҳам, айrim ҳолда асосий ва оборот фондларининг ҳам самарадорлигини ҳарактерлайди.

Фонд унумдорлигидан ташқари таҳлилда унга тескари бўлган **фонд сиғими** ҳам қўлланиладики, бу маҳсулот қиймати бирлигига тўғри келадиган ишлаб чиқариш асосий фондлари қийматини тавсифлайди.

Фем = Фос / Авп.

Фонд сиғимининг камайиши асосий фондларда буюмлашган меҳнат тежамини ҳарактерлайди.

Асосий фондлар тез кўпайиши муносабати билан қишлоқ ва сув хўжалигида фонд сиғими даражаси ҳозирги вақтда ўсмаётир. Бунга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатларининг асосий фондлар ўсиши суръатларидан орқада қолаётганлиги сабаб бўлмоқда.

6.3. Айланма маблағлар таркиби ва кўрсаткичлари

Хар бир корхонага *меъёрий ишлаб чиқарии фаолиятини олиб бориш учун*

асосий фондлар билан
бирга

айланма фондлари (мехнат предметлари) ҳам керак бўлади.

Сув хўжалиги ташкилотларининг айланма фондлари *икки асосий қисмга*

ишлаб чиқариш
захиралари ва

ишлаб чиқаришдаги
маблағларга бўлинади.

Айланма маблағлардан фойдаланиш даражаси иккита күрсаткич билан аниқланади:

1) Айланишда бўлишнинг муайян вақт ичида (квартал, йил) айланишлар сонини ҳарактерлайдиган коэффициенти (**Ко**) билан кўрсатилади.

$$\text{Ко} = \text{Авп} / \text{Соб}$$

бунда: **Авп** – ялпи маҳсулот қиймати, сўм.

Соб – айланма маблағларнинг ўртача қолдиги, сўм.

2) Кунлардаги бир айланишнинг айланишда бўлиши ёки узунлиги билан (**До**)

$$\text{До} = \text{T. Сот} / \text{Авп} = \text{T} / \text{Ко}$$

бунда: **T** – кунлардаги даврнинг давомийлиги (30, 90, 360).

6.4. Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.

Ишлаб чиқариш қувватлари ва ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Бу муаммонинг ечимиға ишлаб чиқариш жойи, ишлаб чиқарувчининг молиявий аҳволи, бозордаги рақобат ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Ҳар қандай ишлаб чиқарувчи, фаолият туридан қатъий назар, асосий фондлари ҳаракати, уларнинг сони ва ҳолати, улардан фойдаланиш самарадорлигига аҳамият бериши лозим.

Юқоридаги маълумотлар асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари ва резервлари ҳақида билиш имконини беради

6.4. Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари (давоми).

- Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги биринчи навбатда, техник ва ташкилий омилларга боғликдир.
- Фан-техника тараққиёти жараёнида анаънавий техника такомиллашиб, алоҳида машина ва жиҳозларнинг бирлик қуввати, ишлаш муддати муттасил равишда ошиб боради.
- Технологик жараёнларнинг прогрессивлиги ҳам ишлаб чиқариш имкониятларини кўтаришга катта таъсир кўрсатади.
- Ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш меҳнат предметига ишлов беришнинг янги услублари қўллаш билан белгиланади. Уларнинг ишлатилиши жиҳозлар бирлик қувватининг кескин ошиши, технологик жараёнлар тезлиги, меҳнат унумдорлигини кўтаради.

6.4. Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари (давоми).

- Биринчидан, ишлаб чиқариш жараёнларини рационал ташкил этиш ишлаб чиқариш қувватини ошириш манбаларидан биридир. Бу жараён биринчи навбатда, корхона барча ишлаб чиқариш бўғинлари орасида пропорционалликни таъминлашни тақозо этади.
- Иккинчидан, ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш катта аҳамиятга эга. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда жараён операциялари орасида вужудга келадиган танаффусларни иложи борича қисқартиришнинг ўрни каттадир. Узлуксизликнинг юқори даражаси комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш натижасида таъминланади.
- Учинчидан, ишлаб чиқаришни ташкил этишда ихтисослашув даражаси ҳам жуда катта таъсир этади. Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг юқори даражаси оптимал ишлаб чиқариш ихтисослашуви орқали эришилади.
- Ишлаб чиқариш қувватини оширишнинг ҳал қилувчи йўналишларидан бири жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган жиҳозларнинг ўз вақтида алмаштириш, янги, илғор техника машина тизимларини жорий этишдир.

6.5. Айланма воситалардан фойдаланиш самарадорлигини яхшилаш йўлари.

Айланма маблағлардан самарали фойдаланиш кўплаб ички ва ташқи омиллар билан боғлик.

Айланма маблағларнинг самарадорлигини ошириш учун энг муҳим захиралар корхонанинг ўзида мавжуд.

Улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўлари қуидагилардан иборат:

- ортиқча материаллар захирасини йўқ қилиш;
- логистика тизимини такомиллаштириш;
- шартномавий интизомни такомиллаштириш;
- стандартлаштиришни ткомиллаштириш;

6.6. Айланма воситалардан фойдаланиш самарадорлигини яхшилаш йўллари (давоми).

- ресурс етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри алоқани кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;
- транспорт ва сақлаш хизматларининг самарадорлигини ошириш;
- фан-техника тараққиёти жараёнида айланма воситалардан комплекс фойдаланиш, корхонада ресурсларни тежаш сиёсатини амалга ошириш;
- материаллар истеъмоли, маҳсулотнинг энергия сарфини камайтириш;
- маркетинг ва сотиш тизимини яхшилаш, замонавий маркетинг усулларидан кенг фойдаланиш;
- маҳсулотларни қайта ишлашни кенг йўлга қўйиш;

Айланма воситалардан фойдаланиш самарадорлигини яхшилаш йўллари (давоми).

- Технологик жараёнларнинг прогрессивлиги айланма маблағлар оборотига кўрсатиши;
- ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри ташкил этиш, айланма маблағлар тақсимотида илмий асосланган меъёрларга риоя қилиш;
- ишлаб чиқаришнинг аниқ бир фаолият турига ихтинослашуви;
- ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш, комплекс механизациялаштирилиши ва автоматлаштирилиши;
- малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини мунтазам равишда ошириб бориш, хом-ашё етказиб берувчилар ўртасида эркин рақобатни шакллантириш;
- илм-фан ва амалиётни интеграциялаш, фандаги ютуқлар ва инновацион ишланмаларни тадбиқ этиш.

Эътиборингиз учун раҳмат!